

**Дин ишлари бўйича қўмигада коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш,  
уларнинг олдини олиш чораларини кўриш ва натижалари ҳақида  
ҳисобдорлик тизими йўлга қўйилганлиги**

Қўмига раисининг 2022 йил 14 январдаги 1А-сон буйруғи билан тасдиқланган Дин ишлари бўйича қўмига ва унинг ҳудудий бошқармаларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Услубиётига асосан Дин ишлари бўйича қўмига ва унинг ҳудудий бошқармаларига юкланган вазифа ва мажбуриятларни бажаришда юзага келиб чиқадиган коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш бўйича қоидалар ҳамда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашга ягона ёндашувни шакллантириш тартиби белгиланган.

Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш борасида 2023 йил давомида амалга оширилган чора-тадбирлар давомида Қўмига фаолиятини комплекс таҳлил қилиш орқали коррупция хавф-хатарига энг кўп мойил бўлган функция ва лавозимлар ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш давомида коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган вазифа ва функциялар аниқланмади.

Бундан ташқари, Қўмига томонидан қабул қилинган ички идоравий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилиб, уларда коррупциявий омилларни келтириб чиқарувчи нормалар аниқланмаган.